Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

1999 йил,
27 октябрь, чоршанба
43 (107)

МУСТАҚИЛЛИК

ҲУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

• *Муносабат*

САЙЛОВ - ҚОНУН УСТИВОРЛИГИНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Сайловга тайёргарлик кўриш, сайлов комиссияларининг уни ўтказиши, номзодлар кўрсатиш, сайловлар тўғрисидаги Қонунларни бузганлик учун жавобгарлик, сайлов комиссияларининг ваколати, ҳуқуқлари, сайловолди ташвиқотлари, сайловчиларнинг ҳуқуқлари, депутатликка номзодлар ҳуқуқларининг кафолатлари, ишончли вакиллар, овоз бериш ва сайлов якунларини чиқариш тартиблари ҳамда бошқа жараёнлар Қонунларда ўз аксини топган. Айни пайтда сайлов қонунларида сайловларни ўтказиш пайтида холис кузатувчилар бўлиши ҳам назарда тутилган. Хўш, уларга қандай талаблар қўйилади? «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисга сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида шундай жумла бор: «Округ сайлов комиссияси манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ариза олинганидан кейин беш кун ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси белгиланган намунадаги мандатни кузатувчи учун беради...Кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

- сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида бўлиш;

-сайловчиларга таъсир ўтказиш,бирон бир ташвиқот материалари ёки адабиёти тарқатиш;

-сайловчиларни улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

-участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан, сайлов қутиларини мухрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашиш». Кузатувчиларга бундай талаблар қўйишдан мақсад-сайловларнинг чинакам демократия талаблари асосида ўтишини таъминлашдир.

Бўлажак сайлов ҳар бир фуқародан сиёсий, ижтимоий фаолликни талаб этади. Сайловларга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида қонун талаблари бузилмаслигининг муҳим шартларидан бири уларга қатъий амал қилиш ва қонун бузилишларига нисбатан муросасиз бўлишдир.

Сайловчиларнинг Олий

(**Давоми 2-бетда**)



Беш ярим килолик чақалоқ! Умринг узоқ бўлсин, АЛПОМИШ !

• *Шу сонга хабар*

МУКОФОТ ПУЛИГА - «ҲУҚУҚ»

Мустақилликнинг 8 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» кўрик-танловида биринчи ўринни олган Балиқчи туман прокурори Мухторжон Шодмонов берилган 30 минг сўм мукофот пулини «Ҳуқуқ» газетаси обунаси учун Балиқчи туманидаги 5- гимназия ҳисобига ўтказиб берди. Прокурорнинг ҳиммати билан «Ҳуқуқ» газетасининг 2000 йилдаги обуначилари сафи балиқчилик гимназия ўқувчилари ҳисобига 12 тага кўпайди.

ЯНА 500 ТА ОБУНАЧИ

Республика прокуратураси Умумий назорат бошқармасидан хабар қилишларича, уларнинг йўналиши бўйича 2000 йил учун «Ҳуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журналига 500 тадан обуна тўпланади.

- Бу ерда ҳеч қандай муболаға йўқ,- дейди бошқарма бошлиғи Ҳамза Маҳмудов,- Прокуратура корхона-ташкилотлар ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам кенг фаолият олиб боради. Қарзларини бизнинг ёрдамимиз билан ундириб олган, қонуний ҳуқуқлари кафолатланган корхоналар ва ташкилотлар прокуратура билан ҳамкорликда ишлаш, мамлакатимиз ҳуқуқий ҳаётидаги янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиб туриш учун ўзлари мамнуният билан нашрларимизга обуна бўлишмоқда.

«Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетасини кенг тарғиб ва ташвиқ қилаётган ҳуқуқшунос дўстларга раҳмат.

«ҚОНУН ҲИМОЯСИДА» **ОБУНА — 2000** «ҲУҚУҚ»

«Ҳуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» журналига 2000 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна учун индексларимиз:

«Ҳуқуқ» газетаси:	«Қонун ҳимоясида» журнали:
Якка тартибдаги обуначилар учун -231	Якка тартибдаги обуначилар учун -839
Ташкилотлар учун - 232	Ташкилотлар учун - 840

Нашрларимизга республикамизнинг барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин

Обуна бўлишга шошилинг!

Ушбу сонда :

2-бет — БИЗ САЙЛОВГА ТАЙЁРМИЗМИ?

7-бет — Тақдир уйини

8-бет — Дам олиш саҳифаси

• *Сўз ёшларга*

БИЗ САЙЛОВГА ТАЙЁРМИЗМИ?

Айни кунларда Республикамизда кечаётган сайловолди жараёнлари мустақил юртнинг ҳар бир фуқароси эътиборида бўлиши табиийдир. Ушбу жараённи нафақат кузатаётган, балки унда бевосита иштирок этаётган кишиларнинг нуқтаи назари ва фикрларидан деярли ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлиб турибмиз.

Хўш, ёшлар ҳозирги кечаётган сиёсий жараёнга қандай баҳо бермоқда? Улар ушбу жараёндаги ўз иштирокини қанчалик тасаввур этади? Сайловолди маъсулияти нима ва уни талабалар қандай тушунади?

Биз шу каби саволлар ёрдамида ёшларнинг фикрини билишга бел боғладик.

Эрназар АКБАРОВ,
ТошДУ ўзбек филологияси факультети магистранти:

- Оммавий ахборот воситаларининг сайлов мавзусига катта эътибор бериши табиий ҳол, албатта. Чунки аҳоли сиёсий онги ўсишида айнан ОАВ муҳим ўрин тутади. Демакки, сайловнинг муваффақиятли ўтиши ҳам маълум даражада улар фаолиятига бориб тақалади. Бу билан мен сайловолди жараёнидаги бутун маъсулиятни фақат оммавий ахборот воситаларига юклаб қўймоқчи эмасман. Тарғибот, ташвиқот ишлари ўз йўлига. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳал қилувчи овозни халқ, яъни сайловчилар беради. Демак, янги парламентимиз таркибининг қандай бўлиши сайловчиларнинг кимга овоз беришига боғлиқ. Шундай экан, фуқаролар ўз номзодлари билан учрашишни, уларнинг сайловолди дастурлари билан танишишни кечиктирмаслиги керак.

Сайлов бир кунга белгиланган билан сайловчи қайси номзодни танлашни бир кундаёқ ҳал қилиб қўя қолмайди. Унга олдиндан тайёргарлик кўради ва умумхалқ манфаати учун хизмат қиладиган қонунлар қабул қилинишига ҳисса қўшадиган номзодни танлашга ҳаракат қилади. Мен сайловда илк бор қатнашар эканман, сайловчилик масъулиятимни ана шундай вазифаларни бажаришдан иборат, деб биламан.

Сабобар ОЛТИБОЕВА,
ТошДУ ўзбек филологияси факультети магистранти:

- Яқинда бўлиб ўтадиган умумхалқ сайловида биринчи бор қатнашаётганлигим учунми, сирли ҳодисадек туюлади менга. Ҳар куни тенгдошларим билан кимга овоз бериш устида баҳслашаман. Сайловда мен ким учун овоз бераман? Мен сайлаган депутат ишончимни оқлай оладими? Юртим истиқболига хизмат қиладиган қонунлар яратиш ташаббуси билан чиқа оладими? Шу каби саволлар бизнинг баҳсимизнинг асосий мавзуи бўлади. Шунинг учун биз номзодлар билан учрашишни, уларнинг сайловолди дастурлари билан тезроқ танишишни, керак бўлса улар билан баҳслашиб, бизнинг талабимизга жавоб бера олган номзод учун овоз беришни истаймиз. Бизнинг сайловчилик масъулиятимиз ҳам, сайловолди жараёнидаги иштирокимиз ҳам шу эмасми аслида?

Дилафруз ЖЎРАЕВА,
ТошДУ биология факультети магистранти:

- Сайлаш ҳуқуқи собиқ шўро даврида ҳам бўлган. Лекин сайловчиларнинг кўп қисмини ташкил этувчи аҳоли бу ҳуқуқни етарлича англаб етмаган. Сайлаш имконияти фақат ҳуқуқ эмас, унинг ортида бурч ва масъулият ҳам ётишини тушуниб етишимиз керак.Бу бурч ва масъулиятни фуқаролар онгида шакллантиришда оммавий ахборот воситалари кенг кўламда иш олиб бораяпти. Бу йил биринчи бор сайлов жараёнларида иштирок этар эканман, Ватаним тақдири кандайдир ўз манфаатини ўйловчи кишилар эмас, балки она заминимиз фидойилари кўлига топширилишини хоҳлайман.

Шаҳло ХУСАНОВА,
ТошДУ тарих факультети магистранти:

- Мустақилликка эришганимиздан кейинги даврдан то ҳозирги давргача бўлган оралиқда фуқароларимиз ўз сиёсий ҳуқуқларини анча мукаммал билиб олдилар. Бу ҳолат, айниқса, ёшлар орасида тўлиқ намоён бўлмоқда.

Менинг фикримча, ҳар бир сайловчи ўзи овоз бермоқчи бўлган шахснинг фаолияти ва режаси билан мукаммал танишиб чиқиб, халқ манфаати учун нималар қила олишини аниқлаб овоз бериши керак. Бўлғуси сайловларда ана шу нақтаи назардан келиб чиқиб ўз номзодларимга овоз бераман.

Дурдона МУРОДОВА,
ТошДУ тарих факультети магистранти:

- Мустақилликдан сўнг Республикамизда барча фуқаролар, айниқса, ёшларнинг мамлакатимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётидаги иштироки сезиларли даражада ўсмоқда. Ҳозирги фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ёшларда сиёсий онг, ҳуқуқий маданият етарли даражада бўлиши талаб этилади.

Мустақил юртга муносиб фарзанд бўлишга интилаётган ёшларнинг бир вакили сифатида бу йилги сайловда илк бор овоз бериш учун қатнашар эканман, албатта, республикамизнинг кейинги тараққиётига улкан ҳисса қўша оладиган сайловолди дастурига эга бўлган номзодни қўллаб - қувватлайман.

Саида ЁМГИРОВА
ёзиб олди

САЙЛОВ - ҚОНУН УСТИВОРЛИГИНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)


Мажлисга сайлаш ва сайланиши, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатаётган шахслар, шунингдек, сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз беришни бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари, бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ белгиланган жавобгарликка тортиладилар. Депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотларни эълон қилган ёки ўзгача тарзда тарқатган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Сайловлар жараёни шунчаки воқеа эмас. Бу ҳар бир фуқародан сиёсий билим, тушунча ва ақл-фаросат талаб этадиган ишлар менга, оиламга, қавм-қариндошларимга, ўз шахсий ҳаётимга даҳлдорми ёки йўқми, деб ўйлаб кўриш давридир. Ҳар бир ишга онгли муносабат билдирилгандагина жамиятда демократик жараённинг рўёбга чиқиши тезлашади. Ҳуқуқий маданият ва онгнинг тўла маънода шаклланиши давомида мустақил мамлакатимизда ҳуқуқий демократик ва адолатли фуқаролик жамиятининг метиндек мустаҳкам пойдевори яратилади. Ўз-ўзидан маълумки, сиёсий ва маънавий тушунчалар билан қуролланган жамиятга четдан ҳеч қандай салбий куч таъсир ўтказа олмайди.

Сайловолди жараёнида ҳам ҳар биримиз янгиликларни ўқиб- ўрганиш, сиёсий онг даражасини ошириш, маънавиятимизни янада бойитиш имкониятларига эгамиз. Айтиш ўринлики, демократиянинг энг асосий ва энг муҳим белгиси ҳисобланган сайлов даври изланиш, ташаббус ва фаоллик зарурлигини тақозо этиши турган гап. Чунки, сайловлар жамиятимизнинг Конституциявий институти мақомига ҳам эга эканлигини унутмаслигимиз керак. Сайлов ҳар бир фуқаронинг хоҳиш-иродаси, ақл-фаросати билан эркин тарзда амалга оширилиши лозим бўлган ҳуқуқи ҳамдир. Ошкораликнинг ёркин кўзгуси ҳисобланган сайловга ҳар кимнинг онгли муносабати, муносиб номзодларга ишониб, унинг ҳаракат дастури билан тўла танишгач, жамият тақдирига чин маънода елкадош бўла олишлигига ишонч ҳосил қилгандагина овоз беришлари - давлат аҳамиятига молик бўлган сиёсий муносабатдир.

Сайловчи ўзи танлаган номзодга шунчаки овоз бермайди. У мустақил Ватанимизнинг улуғвор режаларини амалга ошириш салоҳиятига эга бўлган, фидоий, жасур, ўзининг ёркин йўли, мустаҳкам орзу-нияти, зарур бўлганда Ватан учун, халқи учун жонини ҳам аямайдиган номзодга овоз бериш лозимлигини ўйлайди. Шу ўринда депутатликка номзод қандай инсоний фазилатларга, тушунча ва дунёқарашга эга бўлмоғи лозим, деган савол туғилади. Унинг сиёсий онги ва билим даражаси уни сайлаётган сайловчилар ишончига лойиқми? Бу ҳақда депутатликка номзод, аввало, ўзига-ўзи савол бериши керак: «Хўш, мен шундай ишончга лойиқманми, сайловчилар мени депутатликка сайласалар ёки номзодимни қўллаб-қувватласалар қандай йўл тутаман, улар истаган ҳуқуқ-атворга, салоҳиятга, билимга, дунёқарашга эгаманми, халқ манфаатини ўз манфаатимдан устун қўя оламанми», деган ўй қалбини бир дақиқа ҳам тарк этмаслиги керак. «Депутат бўламан» деб гуруҳбозлик қилиш, «ёзув-чизув» билан шуғулланиш, ошнаоғайнигарчилик, уруғчиликка, маҳаллийчиликка берилиш номзодга хос хусусият эмас. Бунга, аввало, номзодини қўяётган киши ўз юрагидан жавоб излаши лозим. Собиқ Иттифоқ давридаги сайловолди жараёнларида айрим номзодлар ўзлари ҳам мазмун-моҳиятини англаб етмаган дастурлари билан халқ сайловчилари олдига чиқиб, «Менинг номзодимни қўллаб-қувватласангиз фалон жойда завод қуриб бераман, писмадон жойни обод қиламан, уйингнинг томини ёпишга шифер олиб бераман. Хуллас, хоҳлаган камчилигингни тўғрилаб бераман», деган ваъдаларни қалаштириб ташлашарди. Энди бундай сафсатабозликка асло йўл йўқ. Демак, депутатликка номзод буни ўзи учун имтиёз деб тушунмаслиги керак. Ақидапарастлик, тўрачилик ва уруғ-аймоқчилик иллатлари сайлов сиёсатидан йироқ, мутлақо ёт бўлган тушунчалардир.

Шавкат ШУКУРОВ,
Сурхондарё вилояти прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси



Навоий вилоят прокуратура идораларида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қонунлар тарғиботи ишларига эътибор янада кучайтирилди. Завод ва корхоналарда, ўқув муассасаларида, жамоа хўжаликларида прокурор - тергов ходимлари иштирокида тез-тез учрашувлар ўтказилмоқда. Шу пайтгача ҳуқуқ тарғиботи бўйича ўтказилган тадбирлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 400 марта ортиқ бўлди. Бу ишлар амалга оширилишида вилоят прокурорининг ҳуқуқ тарғиботи ва қонунларни мужассамлаштириш бўйича катта ёрдамчиси, II даражали юрист Фахриддин БЕГМАТОВнинг алоҳида хизматлари бор.

Суратда: Ф. БЕГМАТОВ

• *Ҳар тўғрида*

Овқатдан заҳарланишди

Перунинг Куско шаҳри яқинидаги қишлоқ мактабида эрталабки нонуштага берилган сут 28 нафар ўқувчининг умрига зомин бўлди. Яна 21 нафар бола оғир аҳволда касалхонага ётқизилди, деб хабар беради Лима радиоси. Гарчи овқат турлари давлат томонидан белгиланса-да, сут талқони уларга турли хусусий ишлаб чиқарувчилардан келтирилади.

Бош учун 1 миллион доллар

Россия Федерал кучлар шарқий гуруҳи қўмондони генерал-лейтенант Геннадий Трошев « Московский комсомолец» газетасига берган интервьюсида Шамил Басаевнинг боши учун бир миллион доллар мукофот қўйилганлигини маълум қилди. Трошев, бу қарор кимдан чиққанини, шунча маблағни қайси манба ажратганини айтмаган.

Хориж матбуоти асосида тайёрланди.

ТАҲРИРИЯТ ПОЧТАСИДАН

• *Муаммо*

БИР МУАММОКИ...

Ассалому алайкум, азизлар! Бу мактубни узоқ Жарқўрғон туманида яшовчи бир мухлисингиздан деб билгайсиз.

Яқинда Сизларнинг газетангиз «Ҳуқуқ»ни ўқиб қолдим. Одам ўзига керакли материалларни топа олсагина газетани яхши дейди. Худо хоҳласа бу йил шу газетага обуна бўлиш ниятим бор. Қишлоғимиз одамларини ҳам шунга тарғиб қила бошладим.

Хатни ёзишдан мақсадим шуки, сизлар билан бир муаммо хусусида фикрлашмоқчиман. Сурхондарёнинг бошқа туманларини билмадиму, бизнинг туманда ун масаласи ўз ечимини топармикан? Тўғри, бу йил биз томонларда занг касаллиги тарқалиб, буғдой ҳосили яхши бўлмади.

Маҳалламиздаги дўконда ун тақсимланади. Дўконга ун 15-20 кунда бир келади. Шунда ҳам олган олади, олмаган қуруқ қолади. Баъзан пулга ҳам топилмайди, бозорда эса бир қопи 5500 сўм. Дўконлардаги аҳволни назорат қилувчи мутасаддилар қаёққа қарашаяпти?

Одамлар томорқаларига экkан буғдойларини еб бўлишди. Олдимизда эса қиш келаяпти. Одам ўйланади...

Яқинда Қашқадарёга тўйга борган эдим. У ерда тўкинсочинлик. Ҳар бир дўконда ун босилиб ётибди. Шундан хулоса қилдикки, ҳамма жойда ҳам аҳвол биздагидек эмас экан.

Бу гапларим туманимиз катталарига ёқмайди, албатта. Аммо на илож? Улардан ҳар доим дўконларда ун бўлишини ҳамда унинг нархини қатъий назорат қилиб туришларини илтимос қиламан, холос. Президентимиз «Ҳар соҳада қонун устивор бўлсин» деб кўп таъкидлайдилар. У киши айтган қонун-қоидалар бизнинг туманга ҳам тегишли бўлса керак. Шундай эмасми?

Кимёхон Гелдиёрова
Жарқўрғон туманидаги Т.Шабуров номли жамоа хўжалиги

ТАҲРИРИЯТДАН:

Муаллифдаги ўзбекона андишани қаранг. Ҳақ-ҳуқуқини дурустроқ талаб қилишдан анча узоқда-ю, яна туман катталаридан хижолатда. Хуллас, туманнинг мутасадди раҳбарларига гапнинг дангалини биз айтсак: -Халқдан ёлчиганман, деб бепарво бўлманг, ҳолидан хабар олиб туринг!

Бундай халқни бошқа жойдан топа олмайсиз!

• *«Ҳуқуқ»га жавоб келди*

«ЎЗИ ХОН, КЎЛАНКАСИ МАЙДОН»

Газетанинг шу йил 25 августдаги 35-сонида чоп этилган «Ўзи хон, кўланкаси майдон» сарлавҳали мақолани Республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари жойида ўрганиб чиқишганда қуйидагилар аниқланди:

Олтинсой туманидаги «Хўжаипок» хўжалигига Б.Тошбоев икки маротаба 1978-1989 ва 1994-1997 йилларда раҳбарлик қилган. Унинг 1978-1995 йиллар мобайнида хўжаликка раҳбарлик қилган даврининг фаолияти билан батафсил танишишга имкон бўлмади, чунки барча ҳужжатлар архивга топширилган ва йўқотилган. Шу боис Б.Тошбоевнинг 1996 йилдаги иш фаолияти ўрганилди.

1996 йилни хўжалик ҳақиқатан ҳам 17 млн. 879 минг сўм зарар билан якунлаган. Иш ҳақидан қарз ҳам 17 млн. 936 минг сўмни ташкил қилган. Мақолада кўрсатилганидек, 2 млн. 186 минг 900 сўм 16 ёшгача бўлган нафақа пули 1996 йилда тўланмаган. Аммо туман молия бўлими 1997 йилда 1 млн. 215 минг сўмни хўжаликка ўтказиб берган ва нафақахўрларга тўлиқ тарқатилган. Қолган 971 минг сўмни тўлашни Республика Молия вазирлигининг 1997 йил 31 декабрь 5777-сонли Баённомасига асосан хўжалик ўз зиммасига олган ва нақд пул, озиқ-овқат маҳсулотлари билан қоплаган.

Хўжаликнинг бош чўпони К.Мирзаевга 1996 йилда 237 бош совлиқдан 202 қўзи олиш режаси берилган. Аммо хўжаликнинг 09-сонли кирим-чиқим китобида бир бош ҳам қўзи кирим қилинмаган. Шундай бўлса-да, хўжаликнинг қўйчилик фермаси мудири Й.Омонов ва А.Юсуповлар, К.Мирзаев отаридан жами 220 бош қўзи олинганлиги, шундан 70 бош қўзи ўстиришга қолдирилганлиги ва 150 бош қўзи сўйилганлиги ҳақида туман статистика бўлимига ҳисобот бериб юборганлар.

Бош чўпон К.Мирзаев 1996 йилда 150 дона қорақўл терини хўжаликка кирим қилмасдан туман тайёрлов идорасига тўғридан-тўғри топшириб юборган. Бугунги кунда собиқ бош чўпон устидан суриштирув ишлари тегишли идоралар томонидан олиб борилмоқда, шу боис барча бирламчи ҳужжатлар туман ИИБда сақланмоқда.

Мақолада бошқа туманда яшовчи Зиё Хўжамов ва Мадат Шойқуловга кўплаб ер майдони берилганлиги қайд этилади. Аслида эса М.Шойқуловнинг ўғли Ойбек Шойқулов раҳбарлигида фаолият кўрсатаётган «Шоймардонқул» фермер хўжалиги жойлашган ер майдони (300 гектар) Қумқўрғон тумани матлубот жамиятига қарашли бўрдоқичилик корхонасининг ери бўлган. Мазкур корхона 1990 йил вилоят ижроия қўмитасининг 85-Р сонли фармойиши билан «Хўжаипок» хўжалигига қўшиб юборилган. «Шоймардонқул» фермер хўжалиги эса Миршоди қишлоқ фуқаролар йиғинининг 1995 йил 31 май 12-5 қарорига кўра «Хўжаипок» жамоа хўжалигида ташкил этилган ва Олтинсой туман ҳокимининг 1995 йил 22 июлдаги 229-сонли қарори билан рўйхатга олинган. Бугунги кунда мустақил хўжалик 15 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиради. Бундан ташқари «Шоймардонқул» фермер хўжалиги 4 гектар ер майдонида «Хўжаипок» хўжалиги билан шартнома асосида маҳсулот етиштириб, унга топширади.

Зиё Хўжамов исмли шахсга хўжалик томонидан ер берилмаган.

Мақолада 1994-96 йилларда хўжаликда катта миқдорда пиёз тайёрланган. Аммо унинг кирим-чиқимини ҳеч ким аниқ билмайди дейилган, ҳақиқатда эса хўжалик 1996 йилда 470,5 тонна пиёз етиштирган, бундан ташқари 36,6 тонна пиёз аҳоли ва фермер хўжаликларидан сотиб олинган. Хўжаликка жами 507,1 тонна пиёз кирим қилинган. Шундан тайёрлов ташкилотларига 210 тонна, давлатга 57 тонна сотилган, қолган 240 тоннаси иш ҳақи ҳисобига хўжалик аъзоларига берилган.

Пиёздан жами 2 млн. 588 минг 621 сўм даромад хўжалик томонидан кирим қилинган.

Мақолада Б.Тошбоев экинзорнинг қоқ ўртасида катта майдонни томорқа сифатида эгаллаб олган дейилган. Ҳақиқатда 2 та хўжалик аъзоларига ажратилган ер майдонидан Тошбоевнинг ўғиллари Баҳодир ва Бахтиёр Тошбоевларга Миршоди қишлоқ фуқаролар йиғинининг уй -жойларни ҳисобга олиш китобида қайд этилгандек, 0,15 гектардан томорқа ажратилган. Мазкур жойда қурилиш қилинган, лекин битмаганлиги сабабли ҳеч ким яшамайди. Ушбу ер майдони қонун асосида берилган.

Умуман, Миршоди қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида томорқа бериш,уни хатлаш масаласи тартибга солинмаган. Айрим участкалар ёки уларнинг олди-сотди ишлари қишлоқ фуқаролар йиғини китобида қайд этилмаган. Бу ишлар билан қатор йиллар мобайнида ҳеч ким шуғулланмаган. Шу боис фуқаролар ўз билармонлик билан ерларни (участкаларни) эгаллаб олишларига имкон яратилган.

Юқорида қайд қилинган барча масалалар бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи (собиқ хўжалик раиси) Б.Тошбоев иштирокида туман ҳокими Р.Алимовга ахборот берилиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбир белгилаш ҳақида топшириқ берилди.

А.ЖЎРАЕВ,
Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирининг ўринбосари

• *Мададталаб мактуб*

ОИЛАМ БУЗИЛИШИНИ ХОҲЛАМАЙМАН

Ёшим 22 да. 1993 йили турмушга чиқдим. Турмуш ўртоғим ўқитувчи бўлиб ишлайди. Аммо...

1998 йил май ойига қадар биз яхши яшаб келдик. Шу вақт ичида худойим уч нафар фарзанд ато этди-ю, бироқ учалови ҳам яшамади. Худога шукрки, 1998 йил 24 июнь куни яна фарзандли бўлдик - қиз кўрдик. Бироқ соғлигим ёмонлашиб, шу куниёқ қайнотам ва қариндошларим мени туман касалхонасига олиб боришди. У ерда 7 кун даволангач, қайнотам мени уйга олиб кетди. Уйда икки кун бўлдим. Яна соғлигимнинг ёмонлашуви сабаб ота-онам ўз уйларига олиб келишди. Уч кундан сўнг, аҳволим оғирлашгани сабабли яна туман касалхонасига олиб боришди. 37 кун деганда соғайдим ва ҳозирга қадар ота-онамникида қизим билан яшаб келаяпман.

Мен ва қизим 7 нафар ейман-ичаман, дея ўсиб келаётган болалар сафида ота-онамга оғир юк бўлиб турибман. Аҳволни кўра била туриб, турмуш ўртоғим биздан хабар олмади.

Кийим-кечакларимни онамникига ташлаб кетишди. Нега ундай қилаяпсиз, деб сўраган ота-онамга қайнотам, энди сизларнинг қизларингиз бизларга керак эмас, у яшолмайди, деб жавоб берди.

Тўғри, мен кўп касал бўлдим. Балким, шунинг учун ҳам уларга керакмас бўлиб қолгандирман... Соғлом бўлиш учун инсон ўзига қараши, оғриса даволаниши керак-ку?! Ҳозир қизим бир ярим ёшда, аҳволим ҳам жуда яхши. Бирга яшаш ниятим борлигини, ажрашишга рози эмаслигимни билдириб, тегишли жойларга мурожаат қилдим. Натижаси бўлмади...

Мен оилам бузилишини хоҳламайман. Турмуш ўртоғим Шоймардон Аминов ўқитувчи бўла туриб, мени тушунгиси келмади. Ҳар ҳолда бир қизимиз бор. Уни тирик етим қилгим йўқ. Аммо бунинг учун фақатгина менинг хоҳиш-истагим етарли эмас... Майли, нима бўлса бўлар, тақдирга тан бермай иложим йўқ. Бироқ, менинг муаммом шугина эмас. Ажрашаман дейди, лекин паспортимни қўлимга бермай юрибди. Унинг мақсади не эканлигини билолмай ҳалакмиз. У ҳам майлия, ЗАГСдан эрта ўтамиз, индин ўтамиз, дея 6 йилни ҳам ўтказди. Ўз турмуш ўртоғим, ўзгаларга зиё берувчи инсоннинг устимдан кулгани эмасми бу?...

Агар яшамас экан, унда менга тегишли бўлган мол-мулкимни, ҳужжатимни қайтариб бермайдими?

Қачонгача менинг ҳуқуқим поймол қилинади? Менинг қайнотам, турмуш ўртоғим сингари кишилар аёлни инсон ўрнида кўрмасалар, мен қандай йўл тутишим керак?

Барно НОРҚОБИЛОВА,
Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани, Навобод қишлоғи.

• *Мулоқот*

АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси Фурқат Маҳмудов билан суҳбат

Фурқат ака, шаҳарларимиздан шоирлар тилида Бухорочалик кўп мадҳ этилгани бўлмаса керак. Бухоро ҳақида гап кетганда унинг номи ёнига «шариф» (шарафли) сифатини қўшиб айтадилар. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Бу борада Сизнинг фикрингиз?

- Агар Бухоронинг меҳнаткаш, меҳмондўст халқи бўлмаганда шоирларнинг шеърлари ёзилмасди. Одамлар - шаҳарнинг юзи. Унинг шуҳрати нақадар баланд бўлса шу одамлар туфайлидир.

Бугунги кунда Бухоро шаҳри иккита маъмурий худудга - Файзулла Хўжаев ва Тўқимачи туманларига бўлинган.

Файзулла Хўжаев туманида иккита қишлоқ фуқаролар йиғини ва ўттиз иккита маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган бўлиб, уларда 152000 нафар аҳоли истиқомат қилади. Прокуратурамиз ходимлари маҳаллалардаги юзма-юз учрашувларда, матбуотда, вилоят телевидениясида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, осойишталикни сақлаш, ҳамма жойда ҳамма вақт қонун устиворлигини таъминлаш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Босаётган эгри қадами ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигига одамларни ишонтира билиш керак. Шунга маълум даражада эришгандирмизки, 1998 йилнинг дастлабки 9 ойига нисбатан 1999 йилнинг шу даврида туманда жиноятчиликнинг бирмунча камайганлиги кузатилди.

Жумладан, оғир турдаги жиноятлар 12,5 фоизга, қасддан оғир тан жароҳати етказиш 33,3 фоизга, безорилик 32,5 фоизга, жиноятларнинг умумий сони 9,8 фоизга камайган.



- Аммо барибир жиноятчиликнинг мавжудлиги ташвишли ҳол.

- Гапингиз тўғри. Лекин беш қўл баробар эмас, деганларидек, бусиз мумкин эмас. Ачинарлиси, айрим раҳбарларнинг кўра-била туриб жиноятга қўл ураётганлигидир.

Аҳамият берган бўлсангиз, Президентимиз вилоятлар кенгаши сессияларида сўзлаган нутқларида ҳар доим: «Ҳой, барака топгур, ким бўлишингдан қатъий назар оёғинг ердан узилмасин» - деб такрорлайдилар. Бу барча корхона, ташкилот раҳбарларига, мансабдор шахсларга тегишлидир.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 26 мартда қабул қилинган «Спиртли ичимликлар билан улгуржи ва чакана савдо қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги 136-сонли қарорига биноан савдо шохобчаларига майда ва улгуржи савдо қилиш ҳуқуқи берилмаган. Лекин туман ҳудудидаги «Оятулло» хусусий фирмасининг бошлиғи Д.Муқимов, «Мурод Азим ўғли» хусусий фирмасининг бошлиғи А.Раҳматуллаев, «Миршод» фирмасининг бошлиғи Х.Муродовлар шаҳардаги «Шоҳруд» ароқ-вино ҳиссадорлик жамиятидан 20-25 миллион сўмлик спиртли ичимликларни олиб, бошқа корхона ва ташкилотларга пул кўчириш йўли билан улгуржи нархда сотиб юборганлар. Қандай асосларга кўра улар ҳукумат қарорини четлаб ўтишга ҳаракат қилаяптилар? Шу ҳолатнинг ўзи уларнинг оёғи ердан узилганини кўрсатмайдими? Фирма раҳбарларига нисбатан ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми ва 189-моддаси 3-қисмига кўра жиноят ишлари қўзғатилди.

- Фурқат ака, таҳририятимизга келаётган айрим мактубларда хат эгалари иш ҳақларини ўз вақтида ололмаётганликлари тўғрисида шикоят қиладилар. Бу борада туманингизда аҳвол қандай?

- Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлда қабул қилинган дебитор ва кредитор қарзларни ундириб олиш тўғрисидаги қарори бажарилишини ўрганиб чиқиш шуни кўрсатадики, тумандаги 205 корхонадан 18 тасида дебитор қарзларни вақтида ундириб олиш, кредитор қарзларни қонунда кўрсатилган муддатда тўлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Натижада ходимларнинг ойлик маошлари 2-3 ойлаб берилмасдан қолган.

«Бухоросувмахсустаъмир» корхонаси бошлиғи А.Бахтиев, «Зардўз» ҳиссадорлик жамияти раиси Х.Гуломова, Бухоро автомобиль транспорти экспедиция комбинати ҳиссадорлик жамияти раиси А.Иброҳимов ва бошқаларга тегишли прокурор таъсир чоралари кўрилганидан кейингина бу борадаги аҳвол яхшиланган. Келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик тўғрисида 18 корхона раҳбарлари расмий равишда огоҳлантирилдилар. Умуман айтганда, айбдор шахслар, яъни корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчилардан 155 киши маъмурий жавобгарликка тортилиб, улардан 1 миллион сўм миқдорида

(Давоми 6-бетда)

• *Фармон ва ижро*

ЭРКНИНГ ТАЪМИ ЎЗГАЧА

Ўзбекнинг бағри кенг. Бу бағрикенглик халқимизнинг оққўнгиллиги, саховати ва энг асосийси кечиримлилигида намоён бўлади, десак янглишмаган бўламиз. Зеро, кечиримликни Аллоҳ ҳам суяди.

Жорий йилнинг апрель ойида эълон қилинган Республикамиз Президентининг «9 майни «Хотира ва Қадрлаш куни» деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармони ўзбекона бағри кенгликка бир мисолдир. Зотан, юртнинг улуғи кечиримли бўлса, фуқаролари ҳам шунга муносиб бўлади.

Амнистия кучга кириб, уни ижро этиш муддати ҳам ниҳоясига етди. Юзлаб маҳбуслар озодликка чиқиб, оилалари, ўз яқинлари бағрига қайтишди.

Тошкент вилоят прокуратурасида ҳам ушбу Фармоннинг ижросини таъминлаш юзасидан белгиланган тадбирлар асосида амалий ишлар қилинди.

Юртбошимизнинг 16 февраль воқеаларини таҳлил қилатуриб «Биз ёшларимизни ҳеч кимга бермаймиз» деган сўзлари бугунги кунда шиорга айланиб бораётгани бежиз эмас. Зеро, эртанги кунимиз, мустақиллигимиз тақдири ана шу ёшлар қўлида эканлиги бор гап. Амнистия туфайли жиноят йўлига билиб-билмай кириб қолган кўпчилик ёшларимиз ҳам жазодан озод этилди.

Жумладан, Қибрай туманида яшовчи, ака-ука Жамшид ҳамда Санжар Курбоналиевлар ўзганинг мулки бўлган бир бош қорамолни ўғирлаш жиноятини содир этган. Уларга нисбатан амнистия қўлланилиб, белгиланган жазодан озод этилдилар.

Шунингдек, Ўрта Чирчиқ туманидан вояга етмаган Шерали Эргашев укаси Шерзод билан жиноий тил бириктириб, Тўйтепа шаҳрида жойлашган Ўрта Чирчиқ электр тармоқларига қарашли подстанциядан умумий баҳоси 630 минг сўм бўлган уч дона ВМП-10 кв(включатель) бачокларини ва бир дона К-47 аравачали включателни ўғирлаб кетганлар.

Худди шу туманда истиқомат қилувчи 1983 йилда туғилган Сергей Хан эса фуқаро Ф.Маткурбоновнинг дала ҳовлисига кириб, 17 минг сўмлик буюмларни ўғирлаган.

Юқорида биз номларини айтиб ўтган ўсмирларга амнистия тўғрисидаги Фармон қўлланилиб жазодан озод қилинди. Бироқ бу яна жиноят содир этаверарканман, дегани эмас. Авфни ёшларга берилган имконият, деб тушунмоқ керак.- Энди улар ўз қилмишларини мулоҳаза қилиб кўриб, тўғри йўлни топиб кетишларига кўмаклашишимиз зарур. Отаона, маҳалла-кўй, қолаверса кенг жамоатчилик бу йўлда ҳамкорликда иш олиб борсалар, нур устига аълонур бўларди.

Эркнинг таъми ўзгача бўлади. Мусаффо осмон, гўзал табиат неъматларидан завқланиш, соф ҳаводан эркин нафас олиш бахти бўлакча. Аммо бундай эркни суиистеъмол қилиб, ундан маҳрум бўлиб қолишдан яратганнинг ўзи асрасин.

Э.БЕГМАТОВ,
Тошкент вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.

• *Ҳуқуқий маърифат*

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҒОЯСИ

Илгари хабар қилганимиздек, 19 октябрь куни ТДЮИ Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказида «Шарқ мутафаккирлари ва инсон ҳуқуқлари ғояси» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Уни мезбонлар Адлия вазирлиги, Ўз ФА Шарқшунослик институти, Республика Прокуратураси ҳамда Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этдилар.
Анжуманда Тарғибот марказининг вилоятлардаги бўлимлари раҳбарлари, ТДЮИ талабалари, жамоатчилик вакиллари қатнашдилар. Уни ТДЮИ ректори, Ўзбекистон фан арбоби Ҳалим Бобоев бошқариб борди.
Ўқилган маърузалар қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлмаса-да, ҳар ҳолда диққат билан тингланди. Улардан айримларини қўйида қисқартирилган ҳолда эълон қилмоқдамиз.

ИНСОНЛАР ТЕНГДИРЛАР...

Аввало шуни аниқлаштириб олайлик: инсон ҳуқуқлари деганда нимани тушуниш керак? Бунга БМТ томонидан Инсон ҳуқуқлари халқаро декларациясининг 40 йиллиги муносабати билан нашр этилган рисолада қуйидагича жавоб берилади: «Инсон ҳуқуқлари - усиз яшаб бўлмайдиган бизнинг барча инсоний, туғма ва табиий ҳуқукларимиздан иборатдир. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бизга ўз истеъдодимиз, ақл ва виждонимиздан мукаммал суратда фойдаланиб, барча маънавий ва жисмоний эҳтиёжларимизни қондиришга имконият беради».

Мазкур таърифга асосланиб айтадиган бўлсак, инсон ҳуқуқлари кишилик жамияти ва давлат қурилиши билан бирга юзага келади. Замонлар ўтиши билан турли сиёсий тузумларда унга турлича муносабатда бўлишган. Бошланғич жамиятларда инсон ҳуқуқи нормалари гуманистик ғоялардан иборат бўлиб, ёзилмаган қонунлар (урф-одатлар) орқали ҳимоя қилинган.

Охирги даврларга келиб дунё бўйича юз берган даҳшатли урушлар, диний ва этник низолар, истибдодга асосланган сиёсий кучлар томонидан юритилган сиёсат орқали фуқаролар ҳуқуқларининг оёқости қилиниши инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш учун халқаро миқёсда бир қатор нормаларни қабул қилиб, мажбурий шаклда амалга ошириш заруриятини юзага келтирди. Ўтган асрда Францияда юз берган буржуа-демократик революцияси раҳбарлари томонидан эълон қилинган 27 моддали баённома бу йўлда қўйилган биринчи қадам бўлди. Ундан кейин 1948 йилда БМТ Умумий Ассамблеяси томонидан тасдиқланиб, барча давлатлар томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 51 йилдирки, турли давлатлар конституцияларида озми-кўпми ўз аксини топиб келмоқда. Ушбу ҳужжат инсониятнинг кўп минг йиллик ҳаёти маҳсули бўлиб, жаҳон халқлари ҳаётидан келиб чиққан хулосалар, турли ҳуқуқий тизимларда ишлаб чиқилган нормалар мазмуни, эркинлик ва тенг ҳуқуқлилик йўлида курашган одамларнинг армонлари унда ўз ифодасини топган. Шунинг учун декларация муқаддимасида «Умумий ассамблея ушбу декларацияни барча халқ ва миллатларнинг муштарак армони сифатида эълон қилади» деб таъкидланади.

Мусулмон ҳуқуқи дунё миқёсида эътироф этилган бир мустақил ва мукаммал ҳуқуқий тизим сифатида 1400 йилдан буён инсон ҳуқуқларига катта эътибор қаратиб келмоқда.

Декларациянинг 1-моддасида инсонларнинг эркинлиги, бирбирлари билан тенглиги ҳимоя этилган. 4-моддада қулчилик ва унинг барча шакллари таъқиқланган. Юқорида айтиб ўтилган нормалар Ислом таълимотида минг йиллар олдин ўз аксини топган бўлиб, хусусан Қуръони Каримнинг 49-сураси 13-оятиг

(Давоми 5- бетда)

• Ҳуқуқий маърифат

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҒОЯСИ

(Бошланиши 4-бетда)

да таъкидланганидек, барча инсонлар бир ота ва бир онадан яратилганлар ва бир-бирлари билан тенг ҳисобланадилар.

Пайғамбаримиздан ривоят этилган ҳадислардан бирида «ҳеч бир арабнинг ажамга (араб бўлмаган кишига), ҳеч бир қоратаннинг қизилтанга ҳеч қандай имтиёзи (устунлиги) йўқдир, магарам тақвоси билан фарқланурлар» дейилади.

Инсон озод ва ҳур яратилган. Ҳеч ким уни ўзига қарам қилиб, қулга айлантириш ҳуқуқига эга эмас.

Имом Бухорий ривоятига биноан пайғамбаримиз «Аллоҳ: «Қиёмат куни уч тоифадаги одамнинг душмани бўламан, улардан бири озод ва ҳур кишини қул қилиб сотиб, ундан ундирган пулини сарфлаган кишидир» дейди» деган эканлар.

Ислом ҳуқуқида 20 дан ортиқ ўринда қулларни озод қилиш назарда тутилади. Улардан бири: ҳар бир қул ўз эгаси билан шартнома асосида муайян миқдорда пул тўлаш билан ўз эркинлигини сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган. Энг асосий далил сифатида эса байтулмол (давлат хазинаси)га тушган маблағнинг саккиздан бир қисми қулларни озод қилиш учун сарфланганини айтиб ўтиш жоиз.

Виждон эркинлиги Қуръон оятлари билан кафолатланган. Мусулмон давлатларда мусулмонлар билан зиммийлар (мусулмонлар қўл остидаги ғайридинлар) қонун олдида тенг бўлганлар. Ҳазрат Али: «Уларнинг қони ҳам бизларнинг қонимиз кабидир» деган эди.

Темурийлар даврида муҳтасибларнинг вазифасига бозорларда, дўкон ва бошқа жамоат жойларида тартиб-интизомни, кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш билан бирга ҳайвонларни ҳимоя қилиш ҳам кирганлигининг ўзиёқ ажойиб далил.

Хулоса шуки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидаги норма ва ҳуқуқий меъёрлар Ислом ҳуқуқий тизимида қабул қилинган қоида ва усулларга мос келади. Аниқроғи, мусулмон ҳуқуқий тизими бирмунча қадимроқ ҳам дейиш мумкин.

Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ, ТДЮИ Ислом ҳуқуқи кафедраси мудири, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

МОВАРОУННАҲР ФАҚИҲЛАРИНИНГ ИСЛОМ ҲУҚУҚШУНОСЛИГИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ РОЛИ

VIII-XII асрлар бутун мусулмон жамиятида фан ва маданият, илм ва тафаккур ривожланган давр бўлди. Ислом дини жаҳон динига айланди. Албатта, бу ривожланишга турли минтақалардаги цивилизациялар ўз таъсирини кўрсатдилар. Хусусан, Мовароуннаҳрнинг Ислом маданияти ва фанининг алгебра, астрономия, тарих, ҳадис, калом ва бошқа соҳаларига таъсири жуда каттадир. Айниқса, фиқҳ илми соҳасида Мовароуннаҳр олимларининг тутган ўрни беқиёс.

Фиқҳ - қадимдан мавжуд ҳуқуқий нормаларни ибодат ва муомала масалалари билан муштарак ҳолда маълум тартибга солган ҳуқуқий тизимдир. Ислом олимлари унга қуйидагича таъриф беришади: «Фиқҳ - шаърий ва амалий ҳукмларни тафсилотли далиллардан чиқариб олишдир».

Фиқҳ илмининг тадрижий ривожини мутахассислар бир неча даврга бўлишади:

1. Пайғамбар (с.а.в) даври
2. Саҳобалар даври
3. Тобеъинлар даври
4. Буюк мужтаҳидлар даври
5. Тақлид даври.

VIII аср охири - IX аср бошларида Мовароуннаҳрда исломдаги аҳли сунна вал жамоанинг Ҳанафия мазҳаби тарқала бошлади. Бухоро ва Самарқандда шу мазҳаб таълимоти асосида фиқҳ мактаби таркиб топди. Фақиҳларнинг давлат ҳукмрон доиралари ва халқ оммасига таъсири кучли эди. Диний ва ижтимоий ҳаётда учрайдиган барча муаммоли масалалар фақиҳлар орқали ечилган. Мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг бир неча авлоди фаолияти орқали маҳаллий халқларнинг тарихий-ҳуқуқий анъаналари Ислом маданиятида ўз аксини топди. Бу даврда йирик фақиҳлар сулоласи пайдо бўлди. Бу сулолалар нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун Ислом оламида катта нуфузга эга эдилар.

Ал-Паздавийлар. Бу авлодда бир неча фақиҳлар бўлиб, аксарияти қозилик ва мударрислик қилганлар, дин ва давлат ишларида катта мансаб соҳиби бўлганлар. Бу сулоланинг йирик намоёндаларидан фахрул-ислом номи билан машҳур бўлган Абул Уср Али ибн Муҳаммад ал-Паздавийдир. У киши 1009 (400-ҳижрий) йилда туғилган бўлиб, «ал-усулий» (усулчи) номи билан танилган. 1089(482ҳ) йили Кешда вафот этган.

Ал-Паздавийнинг фиққа оид кўплаб асарлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир: «Канзул вусул ила маърифатул- усул» , «Китобул-мабсут», «Рисола фи қироатул -мусолли», «Шарҳул жомеъ ас-сиғар». Шунингдек, баъзи манбаларда ул зотнинг «Ғиноул -фуқаҳо» ва «Шарҳул-жомеъ ал-кабир» номли асарлари ҳам мавжудлиги айтилади.

Ал-Паздавийлар оиласига мансуб яна бир олим Абул Усрнинг укаси Йуср ал-Қози ас-Садр ал-Паздавий ҳам Мовароуннаҳрнинг етук фақиҳларидандир. Туғилган санаси 1030 (421 ҳ) йил деб эътироф этилади.

Абул Йуср Самарқандда «козийул-қуззот» мансабида ишлаган. Манбаларда унинг Бухорога келганлиги ва фиқҳ илмидан сабоқ берганлиги ҳақида маълумот келтирилади. 1100 (493 ҳ) йили Бухорода вафот этган. Асарлари: «Заллатул-қори», «Ал-Мабсут», «Алвоқеот».

Бу сулоладан яна Ал-Қози ас-Садр Абул Маъолий Аҳмад ал-Паздавий (1088-1147й) ва Абу Собит ибн Али ал-Паздавий (1077-1116 й) каби фақиҳларни ҳам айтиб ўтиш лозим.

Шунингдек, Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби тарихида ас-Самарқандий (Абу Иброҳим Исҳоқ ас- Самарқандий (ваф.1049 й), Абул-Лайс ас—Самарқандий (ваф.1157 й) ал-Марғилонийлар (Абдулазиз ибн Абдураззоқ ибн Абу Наср ибн Жаъвар ибн Сулаймон ал-Марғилоний (ваф.1084 й), Али ибн Абдулазиз ал-Марғилоний (ваф.1112й), Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр ал-Марғилоний (ваф.1197 й) ,Абу Ҳафс Низомиддин Умар ал-Марғилоний (ваф.1203 й), Абул Маҳосин Заҳириддин ал-Ҳасан ибн Али ибн Абдулазиз ал-Марғилоний (ваф.1203 й) сулолаларининг ўрни ҳам беқиёсдир. Уларнинг илмий меросини ўрганиш миллий қонунчилигимиз тарихини ўрганиш билан тенг.

Музаффар КОМИЛОВ, ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими

• Ҳар тўғрида

«ТИНЧОҚАР ДОН»НИ КИМ ЁЗГАН?

Ниҳоят, узоқ вақт баҳсга сабаб бўлган бу саволга жавоб топилди. Машҳур асар оқ гвардиячи офицер Федор Крюков эмас, балки айнан Михаил Шолохов қаламига мансуб эканлиги исботланди. Китоб қўлёзмасини чуқур ўрганган экспертлар шундай хулосага келганлар. Кўпдан буён йўқолган, деб келинган қўлёзма Михаил Шолоховнинг дўсти ёзувчи Василий Кузашовнинг қариндошидан топилди. Экспертлар қўлёзма баҳосини ярим миллион долларга баҳолаётган бўлсалар-да, В. Кудашовнинг қариндоши уни чет эллик харидорларга сотмоқчи эмас.

Хориж матбуотидан

• Ҳуқуқий маслаҳатхона

САВОЛЛАР, ЖАВОБЛАР

Менинг ўғлим ўқишдан қайтаётганда милиция ходимлари уни тўхтатиб, ҳужжатларини кўрсатишни талаб қилган. Сўнг ҳужжатингизда камчилик бор экан, деб ўзлари билан милиция участкасига олиб кетишган. У ерда уни уч соат ушлаб турганлар. Кейин қўйиб юборганлар. Лекин афсус, ўғлим уларнинг фамилиясини ҳам, исмини ҳам билмайди. Бу ҳолатда нима қилиш керак?

Севара Н.
Тошкент шаҳри

Айбдорларни топиб, уларни жазолаш ва бу каби ҳунук оқибатларни келиб чиқишига йўл қўймаслик учун дастлаб, сиз ким билан муносабатда бўлаётганлигингиз ҳақида билиб олиш зарур. Шунинг учун ҳар доим қуйидаги қоидага амал қилиш лозим: ўз ҳужжатларингизни милиционер томонидан гувоҳнома кўрсатилганидан кейингина танишиш учун бериш мумкин. Милиционер буни қилишга мажбур. Иложи борича у тўғридаги барча маълумотларни эслаб қолишга ҳаракат қилинг ёки ёзиб олинг. Агар сизни калтаклашса, энг яхши йўли медицина муассасасига мурожаат этинг. У ерда сизни кўздан кечириб, бу ҳақда акт расмийлаштирилади. Ундан кейин бўлиб ўтган воқеа ҳолати баён этилган ариза билан прокуратурага мурожаат этиш керак.

Мен 1989 йили Тожикистонга турмушга чиққан эдим. 1994 йил ноябрь ойида қонуний тартибда ажрашиб, Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманига, яъни ўзим туғилиб ўсган қишлоғим - Гўштсойга, ота-онам ёнига қайтиб келдим. 1994 йил 14 декабрда Сусам фуқаролар йиғини томонидан Гўштсой қишлоғига доимий рўйхатга қўйилдим. Битта фарзандим бор, у мен билан бирга яшаяпти.

Шу йилгача собиқ СССР паспорти билан юрган эдим. Йил бошида ИИБга паспортимни алмаштириб беришларини сўраб мурожаат этдим. Лекин паспорт бўлимаси менга "Узбекистонга 1994 йили келганлигимга қарамасдан, фуқаролиги йўқ шахс учун бериладиган гувоҳнома берди. Шу тўғрими?

Ўғлим Нишонов Адҳамжон 1991 йили Тожикистон Республикасида туғилган. У Тожикистон Республикаси фуқаролигига ўтиб қолмайдими?

Шахринисо Холматова.
Тошкент вилояти,
Оҳангарон тумани.

Ўзбекистон Республикасининг паспорт тизимига мувофиқ Ўзбекистонга доимий ёки вақтинча яшаш учун келиш, кетишнинг ўзига хос тартиб қоидалари мавжуд. Ана шуларга ва «Фуқаролик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда, сизга фуқаролиги йўқ шахс сифатида гувоҳнома берилганлиги тўғри.

Қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтиш учун қуйидаги асосий шартлар бўлиши талаб этилади: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида охирги беш йил давомида доимий яшаганлик, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тан олиш ва бажариш, чет эл фуқаролигидан воз кечиш, Ўзбекистонда қонуний тирикчилик манбаларининг мавжуд бўлиши. Сиз билан боғлиқ бўлган ҳолатда бу муддат 1994 йил, яъни рўйхатга олинган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Лекин бу муддат ўтиши билан сиз ўз-ўзидан фуқароликка қабул қилинасиз, дегани эмас. Бунинг учун аввал Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги ички ишлар органлари орқали берган аризангиз Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари комиссияси томонидан кўриб чиқилганидан кейингина бу масала ҳал бўлади. Фарзандингиз эса сизнинг илтимосингизга кўра сизга бериладиган фуқароликка эга бўлади.

Мен Навоий тиббиёт билим юртида таҳсил оламан. 1998 йили ушбу билим юртига контракт асосида ўқишга кирдим(2-3 балл етмай қолди). Билим юрти кассасига ота-онам 23000(йигирма уч минг) сўм тўладилар.

1999-2000 ўқув йили учун яна пул тўлаш керакми ёки йўқми ? Чунки мен I курсни тўлиқ аъло баҳоларга тамомладим. Бундан ташқари ҳозирги вақтда II гуруҳ ногиронман.

Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Нафиса ТОШПЎЛАТОВА.
Самарқанд вилояти, Нарпай тумани.

1999 йил август ойигача Контракт асосида таълим олаётган шахсларга, агар улар ўқув йилини аъло баҳоларга тамомласалар, кейинги ўқув йилида бюджет ҳисобига киритилишлари мумкин эди. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил август ойидаги 800-сонли қарорига мувофиқ ушбу имтиёз бекор қилиниб, контракт тўловлари бўйича ҳеч қандай имтиёз берилмаслиги таъкидлаб ўтилган.

Ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ тайёрлади.

• *Мулоқот*

АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

(Давоми. Боши 4-бетда)

жарима ундирилган. «Нилуфар» ҳиссадорлик жамияти раиси Б.Файзиев, бош ҳисобчи С.Азимова, «Шоҳруд» ароқ-вино ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси М.Худойбердиева, «Автосервис» таъмирлаш корхонаси бошлиғи Д.Раҳматов, бош ҳисобчи Н.Абдуллаевалар шулар жумласидандир.

Энди бу борада одамларнинг ҳам жиндек айби бор. Чақалоқ йиғламаса онаси сут бермайди, дейишади-ку. Одамлар «берсанг ейман, бермасанг ўламан», деб ўтирмасдан ҳақ-ҳуқуқларини қонуний талаб қилишни ҳам ўрганишлари керак.

- ***Суҳбатимиз бошида туман прокуратураси фуқаролар йиғинини маъмуриятлари билан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши ҳамкорликда иш олиб бораяпти, дедингиз. Айтинг-чи, туман прокурори сифатида бу ҳамкорлик Сизни қониктираяптими?***

- Аввало ,шуни айтиш керакки, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш, туман ҳудудидаги ободончилик, тўй-маъракаларни тотувлик билан, рисоладагидек ўтказиш ва бошқа ишларда ўзини-ўзи бошқариш органларининг тутган ўрни беқиёсдир. Лекин, айрим қишлоқ фуқаролар йиғинлари маъмуриятининг майда-чуйда ишларга ўралашиб қолиб, ўз ҳудудларида юз бераётган қонун бузилиши ҳолатларига томошабин бўлиб қолаётганлиги очинарли ҳол.

- ***Масалан?***

- Иккита мисол келтириш билан чекланаман. «Отбозор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи С. Одилов, Б.Ҳайдаров, Т.Хазраткулов каби фуқаролар архитектура ва қурилиш нормаларига хилоф равишда, туман ҳокимлигининг масъул ходимлари томонидан бир неча бор огоҳлантирилганликларига қарамасдан шу ҳудуддан ўтувчи юқори босимли газ қувурининг устига иморат қуриб олишган. Қишлоқ фуқаролар йиғини маъмурияти эса бу қоидабузарларнинг мушугини «пишт» дейишга журъат қилмаган.

«Бухоро саховати» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 11-дўкон мудири Ҳайдар Шарипов энг зарур 8 хил маҳсулотга қатъий нарх белгиланганини билгани ҳолда, 3150 кг. шакарни аҳолига 190 сўмдан сотиш ўрнига 200 сўмдан сотиб, бел оғритмай топилган 31500 сўмни чўнтагига урган. Туман прокуратурасининг топшириғига биноан текшириш ўтказган вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бўлинмаси мутахассислари бу ҳолат ғайриқонуний эканлигини кўрсатиб, жамиятга 31500 сўм миқдорида жарима солишган. Жаримани жамият раиси К.Нормуродов ва 11-дўкон мудири Ҳ.Шариповдан ундириб олиш учун туман судига даъво аризаси киритилган.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Бундай ғайриқонуний ҳолатларга маҳалла оқсоқоллари нега томошабин бўлиб турганлар? Дўконлардан тез-тез хабар олиб, маҳсулотларнинг заҳирада мавжуд ё мавжуд эмаслигини, қатъий нархга амал қилинишини назорат қилиш уларнинг вазифасига кирадику?

Шу ўринда яна бир карра таъкидламоқчиман. Фуқароларнинг осойишталигини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш, барча соҳада қонун устиворлигини таъминлаш Сизнинг, бизнинг - бутун жамоатчиликнинг кундалик иши бўлмоғи лозим. Негаки ҳамкорликда, аҳилликда ҳикмат кўп.

Суҳбатдош: Ҳасан НИШОНОВ

• *Қилмиш - қидирмиш*

ЧИЛИМДАГИ КЎРАДАГАН ҚОТИЛЛАР

... Пахтаободда қотиллик юз берди. Ваҳший қотиллар гўзал, беозор бир аёлни одам кўрса эти сесканиб кетадиган даражада ўлдириб кетишди. Бу аёлнинг бировга озори ҳам, хусумати ҳам йўқ эди. Оллоҳ Тўхтахондан марҳаматини дариғ тутган, у оналикдек буюк бахтдан бенасиб эди. Турмуш ўртоғи Аъзамжон билан етти йил бирга яшаб фарзанд кўришмагач, ўзаро келиша олмай ажраб кетдилар. Тўхтахон шундан бери ўзи ёлғиз яшарди. Савдо-сотиқ билан шуғулланиб турарди.

Тўхтахоннинг қотиллари эндигина 19-20 баҳорни қаршилаган Отабек Раҳматуллаев билан Ҳасанбой Абдуллаевлар бўлиб чиқди.

- Наҳотки, Отабек қотил бўлса? Ҳеч ақл бовар қилмайди. Ахир у гуноҳ - савобни биладиган, беш вақт намоз ўқийдиган йигит эди-ку, - дейишарди маҳалладошлари ҳайрат билан.

...Ўша куни тол соясида бекорчиликдан зерикиб ўтирган Ҳасанбойнинг олдига Отабек келди. Икки ошна анча гаплашгандан сўнг Отабек пули йўқлигидан ёзғириб қолди.

- Э, ошна нимасини айтасан, сен-ку косибчилик қилиб бўлсада, анча-мунча топиб турасан. Мен-чи, мен? Бекорчихўжа бўлсам, ҳадеб телевизорга қараб ётавериш ҳам жонга тегиб кетаркан. Қандай йўл билан бўлса-да, пул топиш керак.

Улар «қандай йўл билан бўлсада» пул топишнинг осон йўлини маслаҳатлашиб олишгач, ёлғиз яшайдиган Тўхтахон Холмирзаевани тунашга келишиб олдилар.

Шундай бўлди ҳам. Ўша куни кеч соат 24га қадар одамларни уй-уйига кириб кетишини кутган икки қотилнинг тоқати тоқ бўлди. Тўхтахон ҳам эндигина телевизорини ўчириб, дам олиш хонасига кирган эди. Кимдир коридор эшигини очгандек бўлди. Бу вақтда Отабек билан Ҳасанбой қўлида арқон билан пичоқни ушлашганича «қуролланиб» ичкарига киришганди. Аёл коридор эшигини очган эди Отабек беркиниб олди. Ҳасанбойни таниб қолган Тўхтахон: «Ярим кечаси менинг уйимда нима қилаяпсиз», деди ҳайратланганча.

Бегуноҳ аёлнинг сўнгги сўзлари шу бўлди. Унга жавоб ўрнига кетма-кет пичоқ зарбалари тушди. Ваҳший қотиллар уни ўлганига ишонч ҳосил қилишгач, қўлидаги тилла узукларини, зирагини ва арзимаган майда пулларни олиб чиқиб кетадилар.

Эгасига насиб этмаган мол-мулк ҳеч қачон ўзгача ҳам буюрмайди. Қотиллар Ҳ.Абдуллаев билан О.Раҳматуллаевларнинг бу қилмишлари ҳар иккисининг ҳам 20 йиллик озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан якун топди.

Саида АҲМАДЖОНОВА, Андижон вилояти, «Қонун йўлида» газетаси муҳаррири.

• *Ҳар тўғрида*

ҚОИДАНИ БУЗМАСЛИК УЧУН

Лондондаги спорт музейида бевосита футболга тааллуқли иккита олтин танга сақланади. 1863 йили Англияда футбол ўйини вақтида тўпни қўл билан ушлашни тақиқловчи янги қоида жорий этилди. Шеффилд шаҳри командаси устози ўйинга тушиши олдидан ҳар бир футболчининг иккала қўлига биттадан олтин танга берарди. Қўлида маҳкам қисилган танга-лар спортчиларга тўпни ушлашга йўл қўймасдан, ўйин қоидасини бузмасликка ёрдам берарди.

АҲМОҚОНА ТАНЛОВ

Омскда бўлиб ўтган байрамни ажойиб ҳам деб бўлмайди, ғаройиб ҳам. Уни аҳмоқона танлов дейиш мумкин. Негаки, у ерда энг аччиқ сўкишлар танлови бўлди. Тўғри, танлов оғзаки эмас, балки ёзма равишда бўлди, лекин оқ ит, кора ит барибир ит, деганларидек бу танлов ҳам...

Бу оддий танлов эмас, бунинг совринлари ҳам бор, яъни бир шиша шампан виноси ва 5 минг сўм пул.

Қизиғи шундаки, ҳакамлар ҳайъатининг боши қотди: ғолибни ва у «ихтиро» этган сўкишни қандай эълон қилиш анча вақтни олди.

• *Жиноят жазосиз қолмайди*

НАФСИНИ СУЮНТИРГАНЛАР

Бугун юртимизда имконият эшиклари кенг очилиб, ҳалол касб - тижоратчиларнинг янги авлоди шаклланди. Халқимиз азалдан бозорлари билан машҳур, савдо-сотиққа мойил халқ. Шу сабабли бу соҳанинг ривожига асос бор эди. Аммо, ҳар нарсанинг меъёри бўлгани каби тижоратчи ҳам нафсига зўр бермай, меъёрдан чиқмай, ҳалол иш юритсагина кўзлаган мақсадига эриша олишини кўпгина бошловчи тижоратчилар доим ҳам эсда тутавермайдилар. Ишлари юришавермаса, нафс қурғур кўнглини қитиқлайверса, пул топишнинг янги, бошқачароқ йўлларини «ижод» қила бошлашади. Нарпайлик Аҳмад Суюнов ана шундай тужжорлардан бири бўлди.

А.Суюнов Нарпай туманидаги эътиборли оилалардан бирида туғилиб, вояга етди. Ўқиди, олий маълумотли бўлди. Аммо, олий маълумотлиларнинг ҳаммаси ҳам олижаноб инсон бўлавермас экан. А.Суюнов олижанобликнинг асосини мол-дунёда кўрдими, ўз соҳаси бўйича ишламай, Россияга қатнаб савдо-сотиқ қила бошлади. Тўғри, тижоратчилик ҳам ёмон касб эмас, аммо... Шу «аммо»си борда, яъни савдогарлик жуда нозик иш. Тижорат ишларида ҳалоллик, инсофни биринчи ўринга қўйганлар баракага эришадилар. Бу меъёрга бўйин эгмаганларнинг эса иши юришмай, касодга учрашлари мумкин. Негадир омади келавермагач, кенгроқ фаолият юритиш учун Аҳмадбой хусусий фирма очишга ҳаракат қилди. Бунинг натижаси ўлароқ Оқтош шаҳрида «Юлдузхон» кўп тармоқли савдо фирмаси фаолият юрита бошлади. Фирма уставида унинг асосий фаолияти Россияга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилиб, ўрнига қурилиш материаллари олиб келиш, деб кўрсатилди. Иш юритиш учун, албатта, етарлича маблағ бўлиши зарур. А.Суюновнинг омади келдими ёки «уддабуронлик» қилдими, ишқилиб тез орада фирма ҳисоб рақамида 15 миллион сўм пайдо бўлди қолди. Одатда, тадбиркорларга қарз беришда етти ўлчаб, бир кесадиган банк раҳбарлари нима сабабдандир бу фирмага саҳийлик қилиб юборишди. Халқ банкининг Нарпай тумани бўлимидан 4 миллион сўм, Самарқанддаги «Жавоҳир» фирмасидан 1 миллион сўм ва Шаҳрисабз шаҳар улгуржи моллар савдо марказидан 10 миллион сўм қарз олган фирма раҳбари бир куни уларни қайтариш лозимлиги тўғрисида ўйлаш, ҳисоб рақамидаги пулларни айлантириб, кўпайтириш ўрнига, пулни қандай қилиб ўзлаштириш ҳақида бош қотира бошлади.

Аммо, энди бу бир кишининг қўлидан келмас эди. Шу сабабли у ҳисобчилари Б.Жумаев ва М.Дониёров ҳамда фирманинг омбор мудири А.Абдунабиев билан маслаҳатлашишга мажбур бўлди. Маслаҳатга кўра, деҳқонлардан фирма уставида кўрсатилганидек, маҳсулот сотиб оладиган бўлишди. Бироқ, бу фақат қоғозда бўлиши лозим эди. Нима қилиш керак? Муомо тезда ечилди - қишлоқ фуқаролар йиғини раиси билан «ҳамкорлик» қилиш лозим. Сиздан ғина, биздан бугина, деган нақлга амал қилувчи, тумандаги «Мустақиллик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси И.Турсунов билан тил топишиши қийин бўлмади. Раис билан «келишилиб», ушбу ҳудудда яшовчи фуқаролар номига сохта ҳужжатлар тузиб, улардан майиз, ёнғоқ каби маҳсулотлар «сотиб олинди». Бу «илғор усул» дан хабар топган Чақар фуқаролар йиғини раиси Б.Воҳидованинг ҳам янгиликдан «қуруқ қолгиси» келмай, фирмага ўз фуқаролари билан «савдо» қилишларига йўл қўйиб берди. Албатта, қоғозда.

Шундай қилиб, омборлар «пуч ёнғоққа», папкалар қоғозларга, ҳамтовоқларнинг чўнтаклари эса пулга тўла бошлади. Аслида йўқ маҳсулотларни сотиб олаяпмиз, деб банкдан пул олиб, ўз манфаатлари учун ишлатаверишди. Ана шундай сохта операцияларнинг бирида А.Суюнов, Б.Жумаев ва А.Абдунабиев давлатнинг 2397250 сўмини ўзлаштириб юборишган. Бундай операциялар эса бир неча маротаба амалга оширилган. Аммо Суюнов ва шерикларининг севинчлари узоққа чўзилмади.

Ҳар бир ишнинг охири бўлганидек, бу нафс бандалари фаолиятига ҳам чек қўйиладиган вақт келди. Прокуратура томонидан олиб борилган изчил текширув ва суриштирув ишларида уларнинг барча найранглари очиб ташланди.

Нафсини суюнтирганларнинг охири ғам-аламда қолишлари рост эканки, одил суд ушбу гуруҳ бошлиғи А.Суюновни 17 йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Гуруҳнинг қолган аъзолари ҳам қилмишларига яраша жазо олишди.

Умиркул ТЎХТАМИШОВ, Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси.

• *Воқеи ҳикоя*

ТАҚДИР ЎЙИНИ

Мирсаид МАВЛОНОВ

(Бошланиши ўтган сонда)

V

Келиннинг тўйи бўлган кезлари орзу-умидлари кўп эди.* Гарчи севишмай, танишмай турмуш қурган бўлсада, онасининг берган босиқ тарбияси уни юпатар, ўз хаёли билан банд бўлиб, қайнона-қайнота хизматида кун кечирарди. Эри билан эса гаплашишга, ҳатто бирга ўтириб чой ичишга ҳам улгурмай, шундай имконият бўлган тақдирда ҳам негадир ундан ҳайиқибми, уялибми ўзини олиб қочарди. Кинолларда кўрганидай турмуш, ҳаёт афсона эканлигидан ўксиш, эркаланиш, ҳазиллашиш, бир-бировнинг кўзларига тикилиб ўтириш унинг учун сароб эканлигидан қийналарди. Оилада деярли ҳар куни жанжал чиқар, жанжални йигитнинг ўзи чиқариб, ўзи тинчирди. Ўзи бақирар, ўзи сўкинарди: «Онаси ўпмаган қиз оламан», «Қорангни ўчир», «Бошга чиқмоқчимисан» қабилидаги гапларни келин эшитиб тушунмасди. Тўғриси, тушунмаганга оларди.

Унинг бевақт келиб қийнашлари, хонани остин-устин қилиб пул қидиришлари, отасини, онасини бўралатиб сўкишлари худди бўлиши керак воқеалар сингари таъсирсиз эди. У ўз жанжалидан ўзи қониқмай чиқиб кетар, она йиғидан, ота меҳнатдан аламини олар. Келинчак эса ҳовлини сариштa қилишдан тўхтамасди. Бу оилани четдан кузатган одам жинни бўлиб кетиши мумкин даражада тушунарсиз бир ҳаёт ичра кун кечарди.

Мана, энди сокинликни бузиб турадиган, «иложи бўлса уйга келмай қўя қолсин, ким билан юрган бўлса ҳам розиман» - деб ният қилиб ўтирадиган эри йўқ. Энди у қайтмайди... Тавба, жаноза кунлари ўзини мажбур қилиб йиғлади, қайнонаси тўшакка михланди, отасини эса обкетишди... Хонадон энг оғир аҳволга сингди. Келин қўшнига сигирни сотди, кеча товуқларни ҳам бериб юборди, эртага яна нон тугайди...

Опаси обкетаман, деб келди. Кўнмади. Қаёққа боради, кимга тегади? Яна шунақа ҳаётга ўзини тиқадими? На лаззат, на маъни, на фароғат! Кимга керак? Шахсан у энди эрга тегиш қароридан батамом кечган. Ҳали йигирма бешга кирмаган бўлса-да, юз йил яшаган одамдек, эртага худди умр тугайдигандек тушкунлик гирдобида яшарди. Фақат «эрим бўлган бир пайтлар» дейиш учун тўй куни иккаласи тушган суратини шкафнинг тепасига қўйиб қўйган.

Бу тақдир нодонликнинг меваси, ўзининг эмас, ўзгалар нодонлиги таъсирида келиб чиқаётган аччиқ ҳақиқатнинг учқуни эди...

VI

...Она бир умр халқнинг тўй-маъракасида тикка турди. Ёмон-яхши кунларида яради. Даврапларнинг гули бўлди, кексайгач, айтувчилик қилди, тўйларга, бошқа маъракаларга бошига дастурхонни қўйиб, уйма-уй кириб, айтиб чиқар, эрта тонгдан кетиб, гоҳида ярим кеча қайтарди. Қишлоқ йўллари, сўқмоқлари, ҳар бир девор-дармиён, дарахтлар ҳам унинг учун азиз эди. Сўнгги икки ой давомида кўзларининг нури қочди, элнинг хизматидан қайтди. Тўйларнинг овозини эшитса йиғлади, Худога илтижолар қилиб ялинди, тезроқ жонини олишини сўраб ёлворди. Суянишиб яшаётган эрини ахтариб хаёли паришон, кечалари ойга термулиб яшади. Келиннинг юзига қаролмайди, тасодифан кўз-кўзга тушса, иккаласининг ҳам кўзлари ёшланиб кетади. Азадорлик жонларига тегиб кетган.

- Қизим, болам қурғур сендайнинг қадрига етмади. Худо инсоф бериб қолар, - дерди келиннинг янги келган кунлари. Ўша пайтлари ҳам ўғлининг кеч келишини, келсаям ғирт маст келиб, уйда жанжал кўтаришини кўриб, ўзини айбларди бечора.

- Эси кириб қолар, қўйинг, аралашманг, - деб эрини юпатарди.

Мана, охир-оқибат ёмон бўлди, жуда ёмон бўлди. Энди бу дардни кўтариб юриш оғир, эл олдида нима дейишларини ўйлаб она эзиларди. «Битта ўғилни эплай олмади, эрини қариган чоғида жин уриб қамалиб кетди, келини жуфтига зор бўлиб бир умрга тул қолди» - деган таъна-надоматлар тушларида қулоғи тагида жаранглади. Ҳаётнинг энг оғир, энг ғамли нуқтасида яшаётгандек эди гўё...

VII

Темир туйнукдан тушаётган бир парча нур хонанинг сокинлигини бузаётгандек эди. Уч кун бўлди, тинимсиз ёғаётган ёмғирдан ер ортиқча намлик олган, бу хонага кирган киши намхуш ҳавонинг оғир таъсирини сезарди. Отанинг бир тутам соқоли икки ой ичида оппоқ корга айланди. Гам нафақат соч-соқолини, кишининг суягини ҳам оқартирар, ўзини ҳаёт деб аталмиш неъматдан кечишгача олиб келаркан. Ўша куни ўзи ўлмаганига, ўша пичоқ ўзининг юрагини тилмаганига неча бор афсус чекиб йиғлади, бошини деворларга урди, аммо кеч, бўлар иш бўлганди.

Бугун эса Суд қилишди. Судга ёлғиз келини келди. Ота келинининг кўзларига қарай олмади. Азадор кўйлак кийиб, пешонасигача рўмол ўраган келиннинг юз-кўзини кўз ёши ювиб, бошини қуйи эгиб тураверди, бир оғиз ҳам гапирмади, судья ҳам ундан ҳеч нарса сўрамади.

Ота ўзида куч тўплаб, сўнгги сўзни келинига айтди:

- Жон қизим! Бугун наслимизнинг тақдири сенда. Хоҳла, уйни ўзингга ол. Хоҳла тенгингни топиб эрга теккин. Бевалик оғир! Лекин ор-номусингни сақла, қадрингга етадиган киши мир панжаридан қўлларини ўтказиб отанинг соч-соқолларини силади.

- Отажон сиз айбдор эмассиз! Йиғламанг, қайғурманг, мен сизни қизингиз бўлиб, чироғингизни ёқиб ўтираман. Онамни кўз қорачиғидай асрайман. Фақат сизни кутамиз, бардам бўлинг отажон...

Келин бошқа гапира олмади. Ота ва келиннинг йиғиси суд залини ларзага келтирди...

VIII

...Албатта, барча дил жароҳатларини вақт даволайди.

Лекин гоҳида бу жароҳат шу қадар очилиб, шу қадар битмас бир дардга айланар эканки...

Мен ота билан қилган суҳбатлардан таъсирланардим, лекин у жонсиз кўзларини бир нуқтага тикиб, бутун вужуди билан қайғурар, менинг таскин- тасалли беришларим фойдасиз эди.

Бугун эса хайрлашаркан,ота эшик олдида туриб, секингина орқага разм солди-да, гапирди:

- Афсус, умр бир марта берилади. Хатони тузатишга имкон йўқ. Лекин бировнинг умри иккинчи бировга сабоқ бўлса ажабмас...

Бу сўздан унинг ҳам, менинг ҳам дилимизга қандайдир чўғ тушгандек бўлди...

• *Ҳушёр бўлайлик, одамлар!*

«КАРВОНСАРОЙ» ФИТНАЧИЛАРИ

Одатда Ватанни онага қиёслайдилар. Шу сабабдан ҳам Она ватан, замин ибораларининг кенг қўлланилиши шу юрт, шу заминга бўлган чексиз меҳр ва садоқатнинг ифодасидир. Аммо ана шу она бўлмиш Ватанга хиёнат, унга қарши ифво тарқатиш эса... Бу ишни фақат қалб кўзи кўр, манфур кимсалардан кутиш мумкин.

Пойтахтнинг «Ўрикзор» маҳалласидаги «Карвонсарой» бозорида савдо сотиқ билан шуғулланувчи, 1978 йилда туғилган Шавкатжон Шарипов ва 1979 йилда туғилган Саъдулла Абдуллаевлар ҳам шундай кимсалар тоифасиданмиди? Ёки улар ёшлик қилишдимикин? Балки, чўнтагига нақд кирадиган АҚШ долларлари кўзларини қамаштириб, йўлдан адаштиргандир?

Ҳа, нима бўлганида ҳам улар жиноят қилгандилар. Жиноят қилганида ҳам оғир, кечирилмас: Ватанга - онага нисбатан жиноят...

Шу йил, 15 июнь куни Ш.Шарипов диний экстремизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган «Мусулмонларга жиноятчилардек муомала қиламизми?» сарлавҳали варақаларни Тошкент шаҳридан Хоразм вилоятига олиб келиб тарқатиш эвазига тергов даврида шахсини аниқлаш имкони бўлмаган Бахтиёр исмли шахсдан 450 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда олган.

У шериги С.Абдуллаев билан «Тошкент-Хоразм» йўналишидаги автобусда келаётиб ана шу давлатга, жамиятга қарши туҳмат гаплар ёзилган варақалардан биттасини нотаниш йўловчига беради. Қолганини эса... Яхшиямки, орамизда ўз юрти, халқи учун жон куйдириб яшайдиган, ҳар хил фисқи-фасод гапларга учавермайдиган ҳушёр одамлар кўп...

Ш.Шарипов ва С.Абдуллаевлар Хоразмга келиб, эски танишлари Умрбек Дўстбобоевнинг уйида бўладилар. Унинг машинасида тижорат ишлари билан юрган вақтларида «Тико» русумли машинада кетаётган дўппи кийган кишини кўриб, унинг орқасидан борадилар. У киши бир уйнинг олдида тўхтаб машинадан тушган вақтида Ш.Шарипов унга варақалардан биттасини беради. Шу пайт уйнинг эгаси Эшон бобо чиқиб қолиб, варақани ўқиб кўриб, «Бу фитна, ҳали ёш экансизлар, бундай ишларни қилманглар», деб уларни қаттиқ сўкиб, ҳайдаб юборади.

Шу куни улар кўнгил очиш учун биллиардхонага борган вақтда милиция ходимларида шубҳа уйғотадилар. Милиция ходимлари янглишмагандилар. Уларнинг кийимлари кўздан кечирилганида опий гиёҳванд моддаси топилади. Варақаларни эса танишлари У.Дўстбобоевнинг онаси Ш.Шариповнинг чўнтагидан топиб олиб, ички ишлар бўлимига топширади.

Ватанга, Аллоҳга эътиқоди мустаҳкам бўлган Эшон бобо ва жонкуяр онанинг саъйи-ҳаракати, милиция ходимларининг сергаклиги туфайли неча одамлар онги заҳарланишининг олди олинди.

Арзимас пул, шахсий манфаат йўлида Ватандан - онадан кечган, мустақил ҳаётга эндигина қадам қўйган, ўн гулидан бир гули очилмаган икки фитначи гумроҳ эса ёшликнинг энг лаззатли онларини панжара ортида ўтказадиган бўлишди. Улар Хоразм вилояти суди томонидан ўн бир йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар.

Зарифбой РАҲИМОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси криминалист прокурори.
Мирзабек ЖАПАҚОВ,
журналист

• *Ҳар тўғрида*

ТАДБИРКОРЛИКДА ЯНГИЧА УСУЛ

Владимир шаҳрида истиқомат қилувчи И.Чернишев Москва шаҳрига ўз автомашинасида кириб келаётганда экология милицияси ходимлари тўхтатиб, автомашина ҳолатини ўрганиб чиққач, кўчанинг нариги бетида жойлашган устахонага йўлланма беришди. Чаққон йигитлар бирпасда машина карбюраторини кўздан кечириб, «созлаб» беришди. Табиийки, йўловчи бунинг учун усталарга айтилган суммани нақд санаб берди. Шундан кейингина милиция ходимларидан ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтиб олди.

Чернишев ҳам анойилардан эмасди. Шаҳарга киргач, тегишли идораларга мурожаат этди. Маълум бўлишича, «экология милицияси» ходимлари устахона ходимлари билан тил бириктириб, «фаолият» юритишаётган экан. Бу - Россия Федерациясида қатор қонунларга хилоф ҳаракат сифатида баҳоланди ва милиция ходимлари билан усталар ҳамкорлигига чек қўйилди.

ҚАНЧА БАЛИҚ ЕЙСИЗ?

Яқинда олимлар дунё бўйича қайси давлат экологияга энг кўп зарар келтиришини ўрганиб чиқишди. Бунда улар тупроқ, денгиз балиқлари, ўрмон ва сувга бўладиган зарарли таъсирни ҳисобга олганлар.

Аниқланишича, энг катта экологик зарар келтирувчи давлат - Норвегия бўлиб чиққан. Ҳар бир норвегиялик бошқа давлат фуқароларига қараганда экологияга тўрт баробар кўп зарар келтирар экан. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатганки, Норвегияда яшовчи ҳар бир фуқарога йилига 250 килограммдан овланаётган балиқ тўғри келар экан. Бунинг қизиқ томони шундаки, балиқларнинг ярмидан кўпи турли хил ҳайвонларга озуқа учун ишлатиларкан.

ВОКЗАЛДАГИ ТОПИЛМА

(ДЕТЕКТИВ ЖУМБОҚ)

Телефон қўққисдан жиринглади. Терговчи Халилов одати бўйича телефон дастагини учинчи қўнғироқдан кейин кўтарди...

Маълум бўлдики, темир йўл бекатидан кўп миқдорда қорадори жойланган сумка топилган. Сумка кимга тегишли эканлиги эса номаълум.

Ўзи ҳар доим шунақа, бирор жумбоқли, чигалроқ иш чиқса, дарҳол ёш, лекин тажрибали терговчи Халиловга топширилади. Сабаби, Халиловнинг тахминлари кўпинча бошқа касбдошларининг мантиқий хулосаларидан кўра тўғрироқ бўлиб чиқарди.

Милиция участкасига етиб келган Халиловни лейтенант Муродов қарши олди. Терговчи воқеа тафсилоти билан танишиб чиқиб, дарҳол дастлабки суриштирув ишларини бошлаб юборди. Қорадори топилган «adidas» тамғали спорт сумкасини синчиклаб кўздан кечириб чиқар экан, сўради:

-Экспертлар етиб келишмадими?

- Йўқ, ҳозирча.

- Гумон қилинаётганлар борми?

- Ҳа, бор. Ўша атрофдаги шубҳали кўринган уч кишини гумондорлар сифатида ушлаб турибмиз. Иккитаси қўшни республикалар фуқаролари, биттаси Ўзбекистон фуқароси. Учаласининг ҳам хужжатлари жойида, сумкани эса тан олишмаяпти. Биласизми, ука, бир нарса менга таъсир қилаяпти-да, лекин.

- Нима экан,- қизиқсиниб сўрайди терговчи.

- Сумка эгаси, яъни жиноятчи шунча қорадорини сумкага шундоқ ташлаб олиб, бемалол юрганини қаранг. Ўзингизам кўрдингиз, тузукроқ бекитмаган ҳам. Шаҳар бедарвоза, деб ўйлаганми, номард.

Халилов мийиғида кулиб қўйди. Кейин:

- Гумон қилинаётганлар кимлар экан? Айтинг, олиб киришсин.

Олиб киришди. Терговчи гумондорларнинг шахси билан танишар экан, уларни зимдан кузатиб турарди.

Гумондорлардан бири, ўрта ёшлардаги, қотмадан келган киши Тожикистон фуқароси экан. У ўзини бемалол тутар, худди бўлаётган воқеаларнинг унга умуман алоқаси йўқдай. Унинг қуюқ қошлари остидаги тим қора кўзлари атрофга маъносиз боқар, бу кўзлардан бир нарса ўқиш қийин эди.

Гумондорлардан иккинчиси, 25 ёшлар атрофидаги йигит Қирғизистонлик бўлиб, афтидан ўзбекка ўхшаб турарди. Унинг кўзларида қандайдир яширин хавотир бор эди.

Учинчи гумондор рус миллатига мансуб Ўзбекистон фуқароси эди. 23 ёшли бакувват бу йигит узоқ вилоятдан келиб, пойтахтдаги нуфузли олийгоҳлардан бирида ўқир экан. У жуда асабийлашган, тез-тез соатига қараб қўяр, «уф» тортар эди...

Терговчи уларнинг ҳар бири билан алоҳида тергов ўтказгач, сокчини чақириб гумон қилинаётганларнинг учаласини ҳам олиб киришни буюрди. Сўнгра улардан бирини кўрсатиб деди:

- Сумка ва ундаги гиёванд модда бу кишига тегишли, анави икковига эса жавоб бериб юбораверинг...

Сизнингча, терговчи сумкадаги қорадорини гумон қилинаётганлардан қайси бирига тегишли, деб топди?

СПОРТ

Кураш

Термиз шаҳрида кураш бўйича «Президент совғаси» учун ўтказилган иккинчи ҳалқаро турнир якунланди. Ушбу мусобақада 30 га яқин мамлакатдан ташриф буюрган полвонлар ғолиблик учун курашдилар. Ярим финал беллашувлари япониялик полвон Хариоши Комамата билан ҳамюртимиз Тоштемир полвон, ҳамда польшалик Павел Малаванец билан қозоғистонлик Достон Примқуловлар ўртасида давом этди. Финалга йўлланма олган полвонлар Павел билан Тоштемирнинг кураши ҳамюртимиз ғалабаси билан якунланди. Жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев ушбу турнирнинг ҳам мутлақ ғолиби деб топилди.

Бокс


Пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт кошонасида мана бир неча кундирки Бокс бўйича XX Осиё чемпионати мусобақалари давом этмоқда. Ушбу нуфузли мусобақада ҳозирча беш нафар боксчимиз курашни давом эттириш имкониятига эга бўлиб туришибди.

Бунга нима дейсиз?

Архимед қонунининг тугал таърифи:

«40 даражали суюқликка кўмилган жисмга ҳеч қандай қонун кор қилмайди »

• Кроссворд



Бўйига: 1. Тиғи сопи ичига қайириб, ёпиб қўйиладиган пичоқча. 2. Қўёш атрофида айланувчи жисм. 4. Рақсга тушувчи аёл. 5. Ўзбек таомларининг султони. 6. Патнис. 7. Гулларга пардоз бериладиган асбоб. 8. Иссиқлик ўлчов асбоби. 9. Иқлими мўътадил мамлакатларда ўсадиган хушбўй гулли дарахт. 10.Ғира-шира тонг ёришган маҳал. 15. Қушларнинг учиш органи. 17. Ингичка арқон. 18. Ўнг қўл билан ушланадиган томонида клавиатураси бўлган фортепиано типидаги гармонь. 19. Тенг томонли тўғри тўртбурчак. 20. Лимон ёки бошқа мевалардан тайёрланадиган ширин ичимлик. 25. Ернинг йўлдоши. 26. Бош оғриғи дорися. 27. Кун чиқиш пайти. 29. Иқлими иссиқ қитъа. 30. Узумдан тайёрланган ичимлик. 32. Мушакларнинг тортишувидан қўл-оёқларнинг йиғилиб қолиши. 33. Саид Аҳмад трилогияси. 34. Уй ҳайвонларига қўшиладиган ғилдиракли мослама. 35. Қиммат эмас. 36. Печканинг ўт ёқадиган жойи. 37. Уфқ чизиғи. 42. Маскарад кийимларида ўтказиладиган сайл. 44. Ҳайвонларнинг нозик ва майин жуни. 48. Юз минг. 49. Чекланган муддат. 50. Яширинганларни топишдан иборат болалар ўйини. 51. Миқдорнинг манфийлигини билдирувчи сўз. 52. Олди очиқ, узун устки миллий кийим. 55. Намозни бошқарувчи мулла. 57. Датурхон тузаш учун мўлжалланган горизантал тахтали баланд курси. 59. Юрса изи билинмас. 64. Тропик ўсимлик ва унинг меваси. 65. Паҳмоқ жунгли, бесўнақай йиртқич ҳайвон. 68. Ерни чуқур қатлами ичида ҳосил бўладиган чўғсимон суюқ модда. 72. Отнинг икки яшардан кичик боласи. 73. Бир ота-онадан туғилган катта ўғил. 74. Емирилиш натижасида ажралиб қолган ясси чўзиқ тепалик. 75. Пардақаноатли ҳашаротларнинг чақадиган тури. 76. Дада, ота.

Энига: 1. Подшоҳларнинг ҳашаматли саройи. 3. Сув кучи билан айланиб, катта ариқдан сув чиқарадиган қурилма. 8. Шоҳларнинг ҳукмронлик рамзи бўлган бош кийим. 11. Иши доим тақир-тўқир, қайда илон кўрсанг чақир. 12. Савдо дўкончаси. 13. Балиқчи қуш. 14. Ҳарбий унвон. 16. Хонлар, шоҳлар хонадонига мансуб ёш хотин. 19. Сочи йўқ хат. 21. Бошқа моддалар билан кимёвий реакцияни вужудга келтирувчи модда. 22. Қурол-яроқларнинг дами. 23. Сўзида қатъий туриш. 24. Ширинлик. 28. Ҳид биладиган ит. 30. Бадиий ижод тури. 31. Ижобий хислат, яхши сифат ёки хусусият. 32. Бир гулки, атири ўзи билан. 36. Кишининг фикрлаш қобилияти. 38. Ишлаб чиқариш бригадасининг бошлиғи. 39. Оқ пар шаклидаги ёғин. 40. Кўриниши балиққа ўхшаган катта денгиз ҳайвони. 41. Кишининг шахсий исми. 43.Овчининг ўлжаси. 44. Дастлабки баҳо. 45. Қиз боланинг исми. 46. Паловга керакли барча масаллиқлар. 47. Саломнинг жавоби. 51. Темирни ўзига тортиш ва итариш хусусиятига эга жисм. 53. Мақтовчи, мадҳ. 54. Суяк ичидаги ёғсимон модда. 55. Уй-рўзғорни кўрикловчи уй ҳайвони. 56. Маошнинг ярми. 58. Катта йўл. 60. Ўқиш, ўрганишдан орттирилган билим. 61. Тегирмондан чиққан дон, кукунсимон озуқа. 62. Пахтанинг ранги. 63. Ураладиган бош кийими. 66. Расмийлаштирилган қонун-қоида. 67. Асалари ўзи ишлаб чиқариб, ўзига ин қурадиган сақичсимон модда. 69. Узун арқон, йиғиб бўлмас. 70. Қанд кукуни. 71. Юз, бет, башара... 73. Оғизни очитадиган таъм. 75. Пул. 77. Туғилганингда ёпишиб олар. 78. Пағa-пағa бўлиб ёғадиган қор. 79. Фазодаги нуктанинг ўрнини аниқлаб берувчи уч координатадан бири.

Тузувчи: Илҳом ЗОИРОВ.

МАСЛАҲАТГА ЙЎЙМАНГУ...

Кулишдан олдин йиғлашни ўрганиш керак...

Каз-каза бекати

БОШНИ ЮВИШНИ УНУТИБМАН

Назоратчи-йўловчи:

- Сизнинг чиптачангиз?

- Менинг чиптачам...

- Сизнинг чиптачангиз!

- Менинг чиптачам...

- Сизнинг чиптачангиз!!

- Менинг чиптачам...

- Нима, касалмисиз?

- Нима, дўхтирмисиз?!

- Сизнинг чиптачангиз!!!

- Менинг чиптачам... мана менинг бекатчам.

***

Ота ўғлига:

- Эшитишимча, сен Таня билан учрашиб турармишсан?

- Тўғри, дада. Нима, сиз қаршимисиз?

- Йўқ, ҳечқиси йўқ. Мен ҳам сенинг ёшингда у билан учрашиб турардим...

***

Бўғирсоқ ҳаммомдан чиққач:

- Эсим қурсин, бошни ювишни унутибман!

***

Бир киши қаҳвахонага кириб келди. Ажратилган жойлардан бирига ўтириб, қўшни столда ўтирган кишига қараб:

- Менинг исмим Бонд... Жеймс Бонд.

Қўшниси эса унга жавобан:

- Меники Дамм... Ван Дамм... Клод Ван Дамм... Жан Клод Ван Дамм.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

Ҳуқуқ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

Ғазета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида»журнали

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев,Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Мэлс Наимов, Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

«Ҳуқуқ» оригинал макети.

Газета **PENTIUM - II mmx** компьютерида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41. Нусхаси - 12656. Буюртма Г-0857. Бичими А-3.

Навбатчи: **Н.МАҲМУДОВ**

1 2 3 4 5 6

Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти: **20.00**
Босмахонага топширилди: **17.30**